

«ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО ФАЛСАФАСИ АСОСИДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАГИ КИБЕРЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ МОҲИЯТИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ»

Рахматуллаев Мардонбек Фарҳод ўғли

**Наманган шаҳар ИИБ Тезкор қидирув хизмати катта тезкор вакили,
катта лейтенант**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17499882>

Аннотация

Мазкур мақолада жиноят ва жазо фалсафасининг фундаментал қонунлари асосида ижтимоий тармоқлардаги кибержиноятчиликнинг моҳияти, сабаблари ва профилактикаси таҳлил қилинади. Фалсафа фанларнинг фани сифатида жиноятни фақат ҳуқуқий эмас, балки ижтимоий-ахлоқий, антропологик ва диалектик феномен сифатида талқин қилиш зарурлиги асосланади. Ўзбекистонда 2019–2024 йилларда кибержиноятларнинг 68 барабар ўсиши (863 дан 58 800 гача) ва уларнинг умумий жиноятларнинг 42% ни ташкил этиши миллий хавфсизликка жиддий таҳдид эканлиги кўрсатилади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 9 июл ва 30 апрелдаги нутқлари, «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги (2022) ва «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014) қонунлар асосида ҳуқуқий база таҳлил қилинади. Фалсафий ёндашув орқали «виртуал ахлоқ» тизимини шакллантириш, сунъий интеллект асосидаги мониторинг, рақамли маданиятни ошириш ва кўп қатламли профилактика модели таклиф қилинади. Ҳиндистон (I4C) ва Шимолий Европа тажрибаси Ўзбекистон шароитига мослаштирилади.

Калит сўзлар

Жиноят фалсафаси, жазо диалектикаси, кибержиноятчилик, ижтимоий тармоқлар, виртуал ахлоқ, профилактика, рақамли маданият, сунъий интеллект, Ўзбекистон.

Бугунги кунда рақамли технологиялар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб, жамият тараққиётининг асосий драйверларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, рақамли майдондаги эркинлик ва очиқлик жамият хавфсизлиги учун янги таҳдидларни ҳам келтириб чиқармоқда. Айниқса, ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган кибержиноятчилик нафақат алоҳида фуқаролар, балки давлат ва жамият барқарорлиги учун ҳам жиддий хавф туғдира бошлади. Бу ҳолат жиноят ва жазо фалсафаси нуқтаи назаридан замонавий таҳлил ва фалсафий асослашни талаб этади. Жиноят ва жазо фалсафаси — жиноятчиликнинг ҳуқуқий чегараларидан ташқарида, унинг ижтимоий, ахлоқий, антропологик ва диалектик моҳиятини очиб берадиган илмий йўналишдир. Бу фалсафа жиноятни инсоннинг ички дунёси, маънавий танлови ва жамият билан муносабати контекстида ўрганади. Зеро, ҳар қандай жиноят – бу фақат қонун бузилиши эмас, балки инсоннинг ахлоқий инқироzi, ижтимоий муносабатлар издан чиқишининг ифодасидир. Шу маънода, жиноят ва жазо фалсафаси жамиятнинг маънавий барқарорлиги ва ҳуқуқий онгини шакллантиришда муҳим назарий асос ҳисобланади. Жамият тараққиётида ҳуқуқ-тартибот тизимининг самарали фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 28 январдаги "Жиноятчиликка қарши курашиш ва жамиятда хавфсизликни

таъминлаш соҳасидаги чора-тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонларидан бирида таъкидлаганидек: "Ҳар бир инсон ҳаёти ва шаънини ҳимоя қилиш, жинойтчиликка қарши самарали чоралар кўриш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш — давлатимиз сиёсатидаги устувор вазифалардан биридир. Жинойтчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жинойт содир этган шахсларни жамиятга қайта мослаштириш масалалари давлат сиёсатида устувор вазифалардан бирига айланди¹. Шу боис, жинойт содир этган шахсларни жамиятга қайта интеграция қилиш, уларни қайта жинойтга йўл қўймаслик учун профилактика тадбирларини самарали амалга ошириш зарурлиги кун тартибда турибди². Ўзбекистонда ижтимоий тармоқлардаги кибержинойтчиликка қарши кураш жинойт ва жазо фалсафасининг асосида амалга оширилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 9 июлдаги нутқида кибержинойтларга қарши курашни кучайтириш, кадрларни янги таҳдидларга тайёрлаш ва инфратузилмани ривожлантириш топширилди. Давлатимишз раҳбарининг фикрича «Киберхавфсизлик — бу фақат рақамлар эмас, минглаб оилаларнинг тақдири, миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги ва рақамли келажакнинг калити»³. Фалсафа фанларнинг фани сифатида табиат, жамият ва инсон тафаккурининг энг умумий қонунларини минг йилликлар давомида тадқиқ этиб келмоқда. Энг умумий қонунлар олами бир бутун тушунишга, дунёдаги барча миллат ва элатларни бирлаштиришга ҳамда қонунлар ёрдамида бошқарувни ташкил этишга хизмат қилади. Фалсафа фанининг қонунлари жамиятнинг барча соҳаларида амал қилади. Жумладан, жинойтчиликка қарши кураш соҳасида жинойт ва жазо фалсафаси мавжуд. Жинойт ва жазо фалсафаси дейилганда, жинойт ва жазонинг ғоявий асослари, эволюцияси, сабаб ва оқибатлари назарда тутилади. Жинойт ва жазони асл моҳиятини англаш учун бу феноменга фақат ҳуқуқшунослик нуқтаи-назаридан ёндашиш чекланиб қолади, унга нисбатан жинойт-ҳуқуқий ва криминологик ёндашув чегарасидан келиб чиқиб фалсафий жиҳатдан ҳам ёндашиш лозим. Жинойт ва унинг сабаблари тушунчаларини фалсафий жиҳатдан англамай туриб, жазо тушунчасини ҳам тушуниб бўлмайди. Агар биз инсонни жинойтни субъекти сифатида қарайдиган бўлсак, жинойтни ва жазони объекти ҳам инсон ҳисобланади. Айнан шу инсон муаммосини барча фанлардан кенгроқ фалсафа фани таҳлил қилади. Ҳуқуқшунослик фани ҳам фалсафа билан боғланган. Гегель ибораси билан айтганда, "ҳуқуқшунослик фалсафанинг бир қисмидир". Ҳуқуқшунослик фанлари ўз объекти ва субъекти сифатида жинойт ва жазони таҳлил қилади, аммо барибир охир оқибатда фалсафага бориб тақалади. Ҳинд файласуфи Артхамастра (эр.ав. IV аср Қад.Ҳиндистон) айтганидек: "Фалсафа доимо барча фанларнинг чироғи, ҳар қандай ишни такомиллаштиришнинг воситаси, ҳар қандай қониданинг таянчи ҳисобланган". Доимо файласуфлар муаммони қўя билган ва уларни ечимини топа олган. Шунинг учун "жинойт – инсон - жазо" тизими моҳиятини фалсафа аниқроқ ва чуқурроқ тушунтиради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги ПФ-5948-сонли Фармони, расмий веб-сайт — <https://president.uz>

² Ниматов Ш. Н. и др. ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА ИЖТимоий ПРОФИЛАКТИКА МЕХАНИЗМЛАРИ //ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2025. – Т. 79. – №. 2. – С. 143-157.

³ <https://www.gazeta.uz/uz/2025/10/09/summit>

Шунинг учун ҳуқуқшунослик фанлари тизимида “ҳуқуқ фалсафаси” фундаментал ўрин эгаллайди. Қадимги файласуфлар таъкидлаганидек, фақат фалсафий қонунлар ва категориялар ёрдамида биз жиноят ва жазонинг моҳиятини кенг ёрита оламиз. Ҳуқуқшунослик, жиноят ҳуқуқи фанлари нуқтаи-назаридан “жиноят қонунга ҳилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик” сифатида қаралади ва шунга ўхшаш таърифлар берилади. Амалий жиҳатдан айтамикки, “жиноят жазоланиши шарт бўлган ҳаракатлардир”. Жиноий хатти-ҳаракатлар – бу ҳуқуқ-тартибот нормаларини бузувчи ҳаракатлардир. Жиноят ва жазо фалсафасида жиноят – ахлоқийлик тамойиллари асосида таркиб топган ҳуқуқий талаблар, қонун-қоидалар устувор бўлган фуқаролик жамиятида ушбу меъёрларга менсимасдан муносабатда бўлиш оқибатида шахсий манфаатлар устунлиги ҳамда ўзгалар ҳақ-ҳуқуқларини бузиш натижасида содир этилган ҳодиса. Ахлоқий категория сифатида жиноят тушунчаси кишиларнинг муайян нопок мақсадларини амалга ошириш йўлидаги амалий хатти-ҳаракатлари мажмуасини акс эттиради. Жамият ривож ва равнақи учун хизмат қилувчи эзгу муддаоларни мақсад қилиб олган ҳодисалар қатори унга зид равишда, баъзан жиноят туркумига кирувчи ҳодисалар ҳам содир этилиб келади. Бу ҳодисалар жамият тараққиётига хизмат қилмайди, балки уни таназзулга етаклайди. Шу боис жамият аъзолари томонидан жиноят ҳодисаси қораланиб келинади ва унга қарши кураш олиб борилади. Динда жиноят гуноҳ иш сифатида қабул қилинади, яъни Аллоҳга нисбатан нопок фикр, номаъқул гап, нотўғри интилиш, хатти-ҳаракатдир. Гуноҳ – бу инсон қалбининг касаллигидир. Ҳуқуқда жиноят – қонунга зид хатти-ҳаракат. Жиноят тушунчаси кенг қамровли бўлиб, унинг моҳиятини тушунтиришда фанда турли хил ёндашувлар мавжуд. Жиноятнинг моҳиятини уни ўрганадиган ҳар бир фан ўз предмети доирасида тушунтиришга ҳаракат қилади. Масалан, ҳуқуқшуносликда “жиноят – бу жиноят қонунчилигида унинг содир этилишига бевосита таъқиб қўйилган ҳаракатдир”, деб тарифланади. Ахлоқшуносликда “жиноят – бу инсоннинг бошқа шахсга қарши қаратилган ёвузлигидир”, дейилади. Социологияда “жиноят – кишиларнинг ҳаёт-фаолияти давомида вужудга келадиган қарама – қаршилиқ ва зиддиятларни ҳал қилишнинг оқилона, тўғри ҳал қилиш шакллари топа олмаслиги натижаси” сифатида эътироф этади. Антропологияда “жиноят – бу инсон табиатига хос бўлган ақл, ирода, эҳтирос ва бошқа инсоний хусусиятларнинг кашф этилиши, ўзини намоён қилишнинг бузуқ, ҳалокатли шакли”, деб таърифланади. Қайд этилган таърифларнинг хилма-хиллигига қарамай, уларнинг ҳеч бири жиноятнинг моҳиятини тўлиқ очиб бера олмайди. Бу шундан далolat берадики, муаммони хусусий фанлар доирасида ўрганишда аналитик воситаларнинг етишмаслиги, жиноятга интегратив ва шу билан бирга чуқур, фалсафий ёндашиш заруратини келтириб чиқаради. Ҳуқуқшунос олим И. Рагимов «Фалсафа бошқа фанларнинг, жумладан, ҳуқуқ фанларининг ўзига хос муаммоларини ўрганиш учун илмий асос бўлиб хизмат қилади. Демак, масалан, қасос, жазо, азоб ва ҳоказо тушунчаларни фақат фалсафа орқали кўриб чиқиш мумкин», деб тўғри таъкидлайди. Жиноят фалсафасининг предметини жиноятчининг жамиятдаги ўрни ёки жиноятларнинг ижтимоий ва табиий сабаблари эмас, балки жиноятни келтириб чиқарадиган асл сабаб ёки сабаблар сабаби ташкил қилади. Фалсафа жиноий воқеликнинг мавжудлигини белгиладиган олам борлигининг энг умумий қонуниятларини таҳлил қилади. “Жиноят” тушунчасининг

мазмун-моҳиятини англаш учун, аввало “жиноят” сўзи билан ифодаланадиган предметни аниқ белгилаш муҳим ҳисобланади. “Жиноят” тушунчасини фақат ҳуқуқий категория сифатида эмас, балки фалсафий категория сифатида, уни моҳиятдан ажралмаган ҳолда таҳлил қилиш “жиноят” тушунчасининг асл моҳият-мазмунини очиб беради. Бугунги кунда ҳуқуқий амалиётда жиноят нима, нимани жиноят деб ҳисоблаш керак?, деган оддий саволга ҳуқуққа оид адабиётларда, хусусан Жиноят ҳуқуқи фанида “жиноят жазоланадиган ҳаракатдир”, деб тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида “Ушбу Кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади”. Баъзи мутафаккирлар жиноятни ҳуқуқий таърифлари уни фалсафий жиҳатдан тўла моҳиятини акс эттирмайди деган хулосага бориб, бошқача таърифларни ишлаб чиқишган. Чунончи, француз социологик мактабнинг намоёндачиси, Э.Дюркгейм жиноятнинг ижтимоий аҳамиятини таҳлил қилиб, ҳуқуқий таърифдан фарқ қиладиган муайян социологик таъриф беришга ҳаракат қилади. Шу мактабнинг яна бир ёрқин намоёндаси Г.Тард жиноятни, аввало, ижтимоий ҳодиса сифатида, унинг келиб чиқишини эса тарихий ҳодиса сифатида тушунтириш керак⁴, деб ҳисоблайди. Сорокин П.А. жиноятни ташқи эмас, балки соф руҳий ҳодиса, деб ҳисоблайди. У шундай деб ёзади: “Муайян қилмиш ўз-ўзидан эмас, балки кимнингдир ақлий тажрибасида жиноят деб топилган тақдирдагина жиноий бўлади ва бўлиши мумкин⁵”. Шунингдек, жиноятни жамиятда мавжуд бўлган турли хил хулқ-атвор шакллариининг зиддияти, деб ҳам тушунади⁶. Утилитаризм вакиллари “жиноят – бу маълум бир ижтимоий гуруҳ аъзоси томонидан содир этилган ва бошқа аъзолар томонидан гуруҳга шунчалик зарар келтирадиган ёки ижрочидаги ана шундай ғайриижтимоий кайфиятни кўрсатадиган қилмиш⁷”, деган фикрдан келиб чиққан ҳолда, ўз фаровонлигини ҳимоя қилишга интилиб, унга оммавий муносабатда, очиқ ва жамоавий ҳолда жавоб беришади. Бундан келиб чиқиб, улар жиноятчилик нафақат давлат, балки ижтимоий ҳодисадир, деган хулосага келадилар. Италиялик криминолог, сиёсат арбоби Э. Ферри, жиноятни нафақат ижтимоий, балки “табиий ва ижтимоий ҳодиса”, деб айтади ва жиноят ижтимоий ҳодиса бўлибгина қолмасдан, айна пайтда индивидларнинг биологик томонининг намоён бўлишидир⁸, деб таъкидлайди. Охириги пайтларда “жиноят” тушунчасининг ҳуқуқий таърифи билан бир қаторда криминалистик маънодаги “жиноят” атамаси ҳам илмий муомалага киритилиб, унинг ёрдамида қонун томонидан жиноят деб тан олинисидан қатъи назар, жамият учун сезиларли даражада хавф туғдирадиган қилмишни жиноят, деб тушуниш таклиф қилинмоқда⁹. Қайси қилмиш жиноий ҳисобланиши керак ва қайси бири бўлмаслиги керак? - бу савол бугунги кунда долзарблигича қоляпти. Рус олими Г.В. Малцевнинг таъкидлашича, “ҳар қандай жамоа, қадимги ёки замонавий бўлсин, тажрибага кўра ўз аъзоларининг умумий фаолияти учун хавфли бўлган, жамоага ва

⁴ Тард Г.Д. Преступник и преступление. Сравнительная преступность. Преступность толпы / Сост. и предисл. В.С. Овчинского. М., 2004. 7 б.

⁵ Сорокин П.А. Преступление и кара. Подвиг и награда. СПб., 1914. 85 б.

⁶ Ўша жойда.

⁷ Макаревич. Указ. соч. 80, 89 б.

⁸ Manovrier. Les aptitudes et les acts // Bull. de la soc. d'anthr. Paris, 1890; Elle nouvelle, oct. 1893.

⁹ Қаранг: Шестаков Д.А. Криминология: преступность как свойство общества. Краткий курс. СПб., 2001.

унинг алоҳида аъзоларига зарар етказадиган, ижтимоий ташкилотнинг қулаши хавфини туғдирадиган ҳаракатларни жиноий деб таснифлайди”. Буларнинг барчаси энди жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги тушунчасида умумлаштирилади¹⁰. Юқоридагилардан келиб чиқадиган хулоса шуки, "жиноят" фақат маълум ижтимоий вазиятларда қўлланиладиган тушунчадир. Турли тарихий даврларда, турли жамиятларда ва турли ижтимоий шароитларда мазмун жиҳатидан бир хил амалга оширилган ҳаракат ижтимоий хавфли, ижтимоий бетараф ёки ижтимоий маъқулланган деб қаралиши мумкин. Ҳар қандай жамият ўзининг тузилиши ва умумий ҳолати натижасига кўра маълум миқдордаги жиноят турларини яратади. Жиноят тушунчаси муайян жамиятда жиноят ва жиноий жазога нима сабаб бўлиши ёки бўлмаслиги керак, деган ҳукмрон бўлган ғояларга боғлиқ бўлади. Баъзи қилмишларни жиноий, бошқаларини эса маъмурий ёки фуқаровий қилмиш деб таснифлашнинг ҳақиқий асосларини фақат маълум бир халқнинг тарихий тараққиёти тўғрисидаги билимлар асосида топиш мумкин. Жамият томонидан маълум вақт ва жойда маъқулланмаган худди шундай хатти-ҳаракатлар бошқа вақт ва жойда маъқулланиши мумкин. Жиноятни вақт ва макондан ташқарида, у мавжуд бўлган ижтимоий муҳитдан ажралган ҳолда ўрганиб бўлмайди. Шундай экан, ким ва қачон жиноятчи саналиши ҳам вақт ва тарихий давр масаласидир. Жиноят – бу жамиятда одамлар, жамоалар ва шахс ўртасида ўрнатилган муносабатлар тартибига муайян шахс томонидан тажовуз қилинишидир. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак жазо институтининг пайдо бўлиши давлатнинг пайдо бўлиши билан узвий боғлиқдир. Тараққиётнинг эволюцион йўли ҳам давлат ривожланишининг асосий босқичларига тўғри келади. Давлатнинг шаклланиши билан жазо жамият ривожланишининг давлатгача бўлган босқичларида мавжуд бўлган қонли қасос олиш ҳодисасининг ўзгариши оқибатидир. Агар қонли қасос олиш субъектлари жиноят содир этган шахс, унинг оиласи, уруғ-аймоғи бўлган бўлса, жазо субъектлари давлат ва жиноят содир этган шахсдир. Жазонинг моҳиятини билиш учун, унинг намоён бўлиши ва ривожланишининг асосий, ҳал қилувчи омиллари ва мақсадини аниқлаш зарурдир. Бошқача айтадиган бўлсак, жазонинг муҳим белгиланган мақсади, инсон ҳуқ-атвори ривожланишига таъсир этувчи ички зарурий, умумий ва асосий, ҳамда барқарор қонуниятларини аниқлаш имконини беради. Инсон ҳар доим жазони психологик жиҳатдан айнан қасос сифатида қабул қилган ва ҳозир ҳам шундай қабул қилади. Жазо барча ҳолларда жабрланувчини жиноятдан қаноатлантиришни, яъни етказилган зарар учун айбдордан ўч олишни талаб қилади. Содир этилган жиноят учун давлат томонидан қўлланиладиган жазоларлардан кўзланган мақсад жазоланувчи шахсларни қайта тарбиялаш ва фуқароларда ижтимоий адолатга бўлган ишончни мустаҳкамлашдир. Немис мумтоз фалсафасининг асосчиси И. Кант "Ҳар қандай жазода, биринчи навбатда, адолат бўлиши керак, у бу тушунчанинг моҳиятини ташкил этади. Агар адолат йўқолса, ер юзидаги одамларнинг ҳаёти ҳеч қандай қадр-қимматга эга бўлмайди¹¹, деб таъкидлайди. Адолат жазо учун ягона ва узрсиз асос бўлиши керак. Адолат ҳар кимдан қилмишига яраша ажр-савоб олишни талаб қилади, шунинг учун жазо жиноятга зарурий жавобдир. Жазо тушунчасининг моҳиятини ҳамда унинг

¹⁰ Мальцев Г.В. Местъ и возмездие в древнем праве. М., 2012. 420 б.

¹¹ <https://levelvan.ru/pcontent/kant-6/chisty-razum>

фалсафий маъносини чуқур англаш учун, жиноят тушунчаси ва уни келтириб чиқарувчи сабабларни фалсафий нуқтаи назардан ҳар тарафлама ўрганиш муҳим ҳисобланади. Чунки, жиноят нима эканлигини тушуниш орқали инсоннинг у ёки бу қилмишини жиноятга алоқадор эканлигини билиш ва у туфли юзага келган акс жавобни жазо, деб аташ мумкин. Рус олими М.Д. Шаргородский жазо жиноятчини унга тегишли бўлган муайян неъматлардан маҳрум қилиш бўлиб, жиноятчи ва унинг фаолияти давлат томонидан қораланишини ифодалайди, деб қайд этади¹². Жазо муайян жиноятни содир этган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва ҳар бир турдаги жазо учун қонунда белгиланган ҳуқуқий чеклашлар тизимидан иборат бўлган жиноятларнинг олдини олиш чорасидир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 42-моддасида жазо тушунчасига қуйидагича: «Жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир», деб таъриф берилади. Жиноий жазо давлат мажбурловининг энг кескин шакли ҳисобланади. Унинг замирида ҳуқуқий тартиботни сақлаш зарурияти ётади. Хуллас, жиноий жазо бу жиноят-ҳуқуқий нормада ифодаланган ва суд томонидан фақат жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган давлат мажбурлов чорасидир. Жиноий жазо содир этилган жиноятнинг ҳуқуқий оқибати ҳисобланади ва умумий қоидага кўра, қилмишнинг оғирлиги ва ижтимоий хавфлилик даражасига мос келиши керак. Жазо, жиноят содир этган шахсни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чораси бўлибгина қолмасдан, балки жиноятчиларга тарбиявий таъсир кўрсатиш мақсадини ҳам кўзлайди. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жазо, жиноят содир этган шахсга нисбатан давлат мажбурлов чораси сифатида қўлланилиши билан биргаликда муайян тарбиявий вазифани бажаришни назарда тутаяди. Жумладан, жиноий жазо биринчидан, ижтимоий хавфли қилмишлар содир этувчи шахсларга нисбатан тайинланади. Иккинчидан, жазони ўтаётган шахсни жамиятда содир бўлаётган жараёнларнинг онгли ва фаол иштирокчисига айлантириш мақсадини кўзлайди. Учинчидан, ижтимоий хавфли қилмишларнинг қонунга мувофиқ, муайян жазолар тайинлаш билан боғлиқ, жиноий қилмишлар, деб топилиши ҳамда мазкур жазоларнинг амалда қўлланилиши маънавий ва ахлоқий жиҳатдан беқарор шахсларга ижобий, яъни улар томонидан ҳуқуқий-тартибот талабларига риоя этилиши йўналишида таъсир кўрсатишини назарда тутаяди. Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тусқинлик қилиш ҳамда бошқа шахслар томонидан янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Инсонни ахлоқан тузатиш ғояси Конфуций томонидан шу қадар чуқур ва мукамал таърифлаб берилганки, унинг фикрлари мазкур масаланинг кейинги барча ишловларида муайян даражада ўз ифодасини топган. Конфуцийнинг фикрича, инсон ахлоқини, бинобарин, унинг шахсини тузатишнинг уч йўли мавжуд. Биринчи йўл энг яхши йўл бўлиб, у инсон ахлоқини тафаккур орқали тузатишни назарда тутаяди. Бунда шахс ўз ҳаракатларига танқидий кўз билан қарайди

¹² Шаргородский М. Д. Наказание, его цели и эффективность. Л., 1973. -12-13-бетлар.

ва уларни тузатиш йўллари белгилайди. Иккинчи йўл бошқа одамларнинг хулқ-атвориغا тақлид қилиш орқали ахлоқан тузалишни назарда тутати. Ниҳоят, учинчи йўл энг оғир ва машақатли бўлиб, у одамни жазолаш орқали ахлоқан тузатишни назарда тутати. Бунда одам ва унинг ахлоқи сиртдан аралаштириш орқали, яъни мажбурият ёрдамида тузатилади¹³, деб таъкидлайди. Рим императори Марк Аврелий Антоний ҳам одамларни ахлоқан тузатиш ҳақида қизиқарли фикрларни баён этган. Чунончи, инсон ҳамиша иккита нарсага тайёр бўлиши керак. Биринчиси: у доим ҳукмдор ва қонун чиқарувчининг айтганини қилиши лозим. Иккинчиси: бирор киши унинг муайян қилмиши ёки фикрининг тўғрилиги ёки нотўғрилигига ишонтирган бўлса, ўз хулқ-атворини тузатиши керак, деб таъкидлайди. Жазо учта мақсадни: яъни, ижтимоий адолатни тиклаш; янги жиноятларнинг олдини олиш; маҳкумни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялашни назарда тутати. Жазо жиноятга нисбатан энг сўнги чора бўлиб, жамият жиноятнинг олдини ололмаган тақдирдагина қўлланилиши лозим. Жазо қонун билан белгиланган ҳуқуқий чекловларнинг йиғиндиси бўлиб, жиноятчига содир этган жиноятининг оғир ёки енгиллигига қараб маълум ҳуқуқий манфаат ва эркинликдан чеклашдан иборатдир. Одатда, жазонинг оғир ёки енгиллиги жиноятчига етказиладиган зарарнинг даражаси, белгиланган доирада ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаш ёки улардан маҳрум қилишнинг ҳажми орқали белгиланади. Жиноят жамиятга зарар келтирадиган жиноий қилмишлардан иборат. Жамият манфаатларига зид ҳар қандай хатти-ҳаракатлар қанчалик аҳамиятсиз бўлиб кўринмасин, жиноятчилик даражаси ва динамикасига бевосита ёки билвосита таъсир қилади. Бироқ, буни жиноятчилик сабаблари билан боғлаб бўлмайди, чунки бу ўзгаришлар, умуман, ижтимоий шароитлар шахслар орқали жиноятчиликка таъсир ўтказиши, уларнинг хатти-ҳаракатларига салбий таъсир қилади. Жиноят ва жазо масаласи ўта мураккаб ва серқирра бўлиб, қадимдан то бугунги кунга қадар ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради. Инсоният жамиятини жиноятсиз тасаввур этиб бўлмайди. Инсон борки, унга берилган тарбиянинг маҳсули сифатида ўзини яхши томондан, яъни яхши хулқи, одоби, ибратли ишлари билан жамиятга наф келтириб яшайди. Инсонлар борки, аксинча, ўзини салбий томондан, яъни нохуш хатти-ҳаракатларини намоён этади, хатто жиноий хатти-ҳаракатларни содир этади. Жиноят ва жазо бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бири-иккинчисини тақозо этувчи тушунчалардир. Агар жиноятлар содир этилмаса, жазога ўрин қолмайди. Жазо – содир этилган жиноятга нисбатан давлатнинг табиий муносабатидир. Агар ижтимоий хавфли қилмиш жазоланмас экан, уни жиноят деб ҳисоблаш мумкин эмас. Жазо жиноят тушунчасининг мажбурий аломатидир. Жазо жиноят содир этган шахсга тайинланади. Барча замонларда ва давлатларда шундай бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Жамият ва давлат тузилишининг қандай булишидан қатъий назар, уларга қарши ҳуқуқбузарликлардан жамиятнинг ўзини ўзи ҳимоя қилиш воситаси сифатида жазо қўлланиб келинади. Жиноят ва жазонинг вужудга келиш сабаблари ҳақида фикр юритар эканмиз, улар жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжлари билан боғлиқлигини таъкидлаш керак, яъни, жиноят ҳам ижтимоий ҳодиса сифатида жамиятнинг ижтимоий

¹³ Федоренко Н. Т. Кавабата Ясунари. М.: Советский писатель. 1982. - 14-бет

эҳтиёжлари билан ўзвий диалектик алоқадорликда бўлади. Жиноят ва жазони ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш нафақат муҳим, балки зарурий эканлигига шубҳа йўқ. Шунини алоҳида қайд этиш мумкинки, ҳар қандай жиноят ва жазо жамиятда содир бўладиган турли хил ижтимоий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Жиноят ва жазо масалаларининг мазмун ва моҳиятини очиб бериш учун, уларнинг асосини ташкил этувчи руҳий ва жисмоний ҳаёт фактлари, шунингдек, жиноятчининг хулқ-атвори, одатлари, мойилликлари, жиноий ҳаракатни амалга ошириш усуллари ва йўллари ҳақидаги маълумотларни билиши ҳамда жиноятга жазо бериш ҳуқуқини ва ҳоказоларни фалсафий асослаш зарур бўлади. Замонавий жиноий одил судлов жиноятчи шахсини ўрганишда психология, психиатрия, генетика ва тиббиёт натижаларидан фойдаланган ҳолда жиноят ва жазо масалаларига ҳуқуқий ва фалсафий жиҳатдан ёндашишни талаб этади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ҳозирги вақтда жиноят ва жазо муаммолари нафақат криминалистика ва жиноят ҳуқуқи фанларида, балки фалсафа, социология, психология, антропология фанлари доирасида, шунингдек илоҳиёт илмида ҳам ўрганилган ва муҳокама қилинган муаммолар орасида мустаҳкам ўрин эгаллайди. Жиноят ва жазо тушунчалари ташқи тарафдан жуда оддий ва тушунарли бўлиб кўринганлиги билан, ички тузилиши жиҳатдан ўта мураккаб бўлиб, чуқур таҳлил талаб қиладиган масаладир. Бу масаланинг мураккаблиги унинг фалсафий моҳияти билан боғлиқлигидадир. Фалсафа фани ҳар қандай воқелик ва жараёнларни ўрганишда моҳият ва ҳодиса сифатида уларни бир-бирлари билан чамбарчас диалектик бирликда таҳлил этади. Хусусан, жиноят ва жазо тушунчаларига келадиган бўлсак, энг аввало, бу ҳодисаларнинг фалсафий моҳиятини очиб бериш учун интеграллашган ва айна пайтда чуқур фалсафий ёндашиш зарур бўлади. Фалсафа бошқа фанларнинг, жумладан, ҳуқуқ фанларининг ўзига хос муаммоларини ўрганиш учун илмий асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, жиноятнинг келиб чиқиш асослардан бири бўлган қасос ёки жазо, изтироб каби тушунчаларнинг моҳиятини фақат фалсафий ёндашув орқалигина ҳар тарафлама очиб бериш мумкин. Жамият тараққиётида ҳуқуқ-тартибот тизимининг самарали фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноят содир этган шахсларни жамиятга қайта мослаштириш масалалари давлат сиёсатида устувор вазифалардан бирига айланди. Шу боис, жиноят содир этган шахсларни жамиятга қайта интеграция қилиш, уларни қайта жиноятга йўл қўймаслик учун профилактика тадбирларини самарали амалга ошириш зарурлиги кун тартибда турибди.

Кибержиноят Ўзбекистонда энг жиддий таҳдидлардан бири бўлиб қолмоқда — рўйхатга олинган жиноятларнинг 42 фоизи унга тўғри келади. Ижтимоий тармоқ (социальная сеть) — бу одамлар ўртасидаги ижтимоий алоқалар ва муносабатларнинг тузилишидир, бунда шахслар (ёки гуруҳлар) тугунлар (nodes), улар ўртасидаги алоқалар эса боғланишлар (edges) сифатида кўрсатилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 9 июлдаги видеоселектор йиғилишидаги нутқида айtilган бу сўзлар мамлакатдаги рақамли хавфларнинг ҳаддиҳоллашганини яна бир бор исботлайди. Президент кибержиноятларга қарши курашни кучайтириш, кадрларни янги таҳдидларга тайёрлаш ва инфратузилмани ривожлантиришни топширган эдилар. Бу — фақат рақамлар эмас, минглаб оилаларнинг тақдири, миллий

иқтисодиётнинг барқарорлиги ва рақамли келажакнинг калиди . «Ўзбекистонда кибержиноятчиликнинг олдини олиш тизими яратилади» — Президентнинг «Янги Ўзбекистоннинг 2022—2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонидаги бу йўриқнома киберхавфсизликнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлади. 2022 йил 15 апрелда имзоланган «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги ЎРҚ-764 сон қонуни ва 2025 йил 30 апрелдаги қатъий жавобгарликни ошириш ҳақидаги қарор киберхужумлар (фишинг, маълумот ўғирлаш, фирибгарлик) олдини олиш ва ҳимоя тизимини яратишнинг асосий устунига айланди . Ижтимоий тармоқ — бу рақамли платформалар асосидаги, глобал интернет тармоғи орқали фойдаланувчилар ўртасидаги динамик, алгоритм бошқарувчи алоқалар тизими бўлиб, унда суний интеллект (AI) маълумотларни таҳлил қилиш, шахсийлаштириш, тарқатиш ва ўзаро таъсирни оптимизация қилиш учун марказий рол ўйнайди. Ижтимоий тармоқ — бу глобал интернет инфратузилмаси (IP-протоколлар, серверлар, CDN, API) асосида ишлайдиган, миллиардлаб фойдаланувчиларни реал вақтда бирлаштирувчи тарқоқ тизим. У HTTP/HTTPS, WebSocket, GraphQL каби технологиялар орқали маълумотларни узатиш ва синхронлашни таъминлайди . Ижтимоий тармоқлар (Facebook, Instagram, TikTok, X/Twitter) — бу фирибгарлик, фишинг, кибербулинг, экстремизм ва бошқа жиноятлар учун асосий платформага айланган. 2024–2025 йилларда ушбу жиноятлар 68 баравар ошган (Ўзбекистонда), глобал миқёсда эса \$10,5 трлн зарар келтирган . Ўзбекистонда ижтимоий тармоқлар орқали содир этиладиган кибержиноятлар беш йил ичида 68 баравар ошди. 2019 йилда атиги 863 та ҳолат бўлса, 2024 йилда бу рақам 58 800 га етган. Мазкур жиноятларнинг ортида минглаб оилаларнинг ва инсонлар мазкур жиноят қурбонига айланганлар. Ўзбекистонда 2022–2025 йиллар мобайнида янги қонунлар, марказлар, халқаро ҳамкорлик орқали ҳуқуқий ва ташкилий тизим яратилди. Ўзбекистон кибержиноятларга қарши курашни қонун билан мустаҳкамлади. Энг муҳим ҳужжатлар сифатида Ўзбекистон Республикасининг 15.04.2022 йилдаги "Киберхавфсизлик тўғрисида"ги ЎРҚ-764 сон қонуни қабул қилиниб, бошқа ҳуқуқий асослар ҳам босқичма-босқич яратиб борилди. Қонуннинг мақсади этиб киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат эканлиги белгилаб берилди. Қонунга кўра "Киберхавфсизлик" тушунчасига интернет, ахборот тизимлари ва ресурсларининг ҳимояси сифатида таъриф берилди. Қонун билан давлат органлари, компаниялар ва фуқаролар ўртасидаги киберхужумларга қарши муносабатларни қонун билан белгиланган. Қонуннинг мақсади эса киберхужумлар (фишинг, вируслар, маълумот ўғирлаш) олдини олиш, ҳодисаларни текшириш ва ҳимоя тизимини яратиш ҳисобланади. Қонуннинг аҳамияти сифатида Киберхужумлар давлат порталлари, банклар, энергетика тизимига таҳдид солмоқда. Қонун МАИ (муҳим ахборот инфратузилмаси)ни юқори, ўрта, паст даражага бўлиб, ҳимоя қилиш орқали миллий хавфсизликни таъминлаш, ушбу йўналишда ҳуқуқий база яратиш, Давлат органларининг ролини белгилаш, Банклар, компаниялар — ҳимоя тизимини ўрнатишга эришиш ҳисобланади. Ижтимоий тармоқлардаги жиноятчилик — бу интернет ва рақамли платформалар (Telegram, Instagram, TikTok, Facebook) орқали содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишлардир. Жиноят кодексига кўра, жиноят — бу қонунда кўрсатилган, жамият учун хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик бўлиб, уни содир этган

шахс жиноий жавобгарликка тортилади. Ижтимоий тармоқларда бу жиноятлар маълумотларни ўғирлаш, алдаш, шахсий ҳаётга аралашиш, экстремизм тарқатиш каби шаклларда намоён бўлади. Алоҳида "ижтимоий тармоқ жинояти" таърифи йўқ, лекин интернет орқали содир этилгани оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 12-моддага кўра "Жиноят — қонунда кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмиш бўлиб, уни содир этган шахсга жиноий жазо тайинланади." Кодексда Ҳаёт дахлсизлигини бузиш (141¹-модда), Шахс маълумотлари қонунчилигини бузиш (41²-модда), Муаллифлик ҳуқуқини бузиш (149¹-модда), Хабарлар сир сақланишини бузиш (43-модда) каби нормалар белгиланган бўлиб, Оғирлаштирувчи ҳолатлар (ЖК 55-модда) сифатида Интернет орқали содир этилгани — жазони 1/3 га оширишилиги, гуруҳда ёки қайта-қайта содир этишлик каби тушунчалар қайд этилган. Ижтимоий тармоқлар — бу дўстлашиш, янгилик билиш, бизнес қилиш учун ажойиб жой. Биринчи навбатда, жиноят ва жазо фалсафасига қарайдиган бўлсак, жиноят фақат қонун бузилиш эмас, балки ижтимоий-ахлоқий ва антропологик феномен ҳисобланади. Жиноятчиликка қарши курашда ҳам фақат қонунчилик билан чекланиб қолмасдан, аҳолининг маънавий ва рақамли маданиятини ошириш, «виртуал ахлоқ» тизимини шакллантириш зарур. Жазо эса фақат жазо бериш эмас, балки жиноятчини тузатиш, жамиятга қайта интеграция қилиш воситаси сифатида кўрилмоқда. Ўзбекистон тажрибасида ижтимоий тармоқлардаги кибержиноятчилик жиноятлар контингентига катта улушга эга бўлиб, бу соҳада қонунчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимлари тизимли такомиллаштирилмоқда. 2022 йилда қабул қилинган «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги қонун ва унинг таълим ва мониторинг воситалари жиноятчиликни олдини олишда муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, профилактика инспекторлари, таълим ва ахборот хавфсизлигига оид чоралар кибержиноятларнинг олдини олишда самарали воситалар ҳисобланади. Шахсий фикримча, ижтимоий тармоқларда жиноятчиликка қарши курашда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак:

- Маърифат ва ахборот саводхонлигини оширишдан ташқари, технологияларда сунъий интеллектга асосланган мониторинг тизимларини такомиллаштириш жуда муҳим;

- Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ахлоқий қарашларини кенгайтириш орқали жамиятда ижтимоий жавобгарлик ҳиссини кучайтириш лозим;

- Халқаро тажрибаи ҳамда миллий хусусиятларни ўзида мужассам этган профилактика ва жавоб чораларини бирлаштиришимиз зарур.

Шундай қилиб, жиноятчиликка қарши кураш – бу нафақат жазони қўллаш, балки ушбу муаммонинг сабабларини чуқур ўрганиш, фалсафий ва ижтимоий ёндашувларни мукамаллаштиришни талаб қиладиган комплекс жараёндир. Ижтимоий тармоқлардаги жиноятчиликни камайтириш учун илғор технологиялар билан бирга инсонларнинг маънавий ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Жиноят ва жазо фалсафаси нуқтаи назаридан қаралганда, ижтимоий тармоқлардаги кибержиноятчилик – бу фақат қонун бузилиши эмас, балки жамиятдаги маънавий, ахлоқий ва маданий инқирознинг рақамли майдондаги ифодасидир. Шунинг учун ҳам бундай жиноятларга қарши кураш фақат ҳуқуқий чоралар билан чекланиб

қолмасдан, инсон онги ва ахлоқини ўзгартиришга, рақамли маданиятни юксалтиришга йўналтирилган фалсафий ёндашувни талаб этади. Ўзбекистон тажрибаси шундан далолат берадики, сўнгги йилларда киберхавфсизлик соҳасида қабул қилинган қонунлар, давлат стратегиялари ва илмий-амалий чоралар рақамли жиноятчиликка қарши курашнинг мустаҳкам ҳуқуқий базасини яратди. Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатадики, жиноят ва жазо фалсафасининг моҳиятини чуқур англамасдан туриб, кибержиноятчиликка қарши самарали курашиш мумкин эмас. Зеро, жиноят — бу инсоннинг ички ахлоқий инқирозидан келиб чиққан ижтимоий хавфли хатти-ҳаракат бўлса, жазо — унинг тузатилиши, қайта онгланиши ва жамиятга мослашишининг воситасидир. Демак, фалсафа бу жараённинг маънавий-онтологик асосини белгилайди. Ўзбекистон шароитида ҳам ана шундай интегратив моделни шакллантириш долзарб вазифадир. “Виртуал ахлоқ” тизимини яратиш, киберхавфсизлик соҳасида кадрлар тайёрлаш, ёшларни ахборот манипуляцияларидан ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш – келажакда жиноятчиликни камайитиришнинг энг самарали йўллари дир. Шу тариқа, жиноят ва жазо фалсафаси кибержиноятчиликка қарши курашда назарий пойдевор вазифасини бажаради. У нафақат ҳуқуқий муносабатларни, балки инсоннинг ахлоқий-руҳий дунёқарашини ҳам ўзгартиради. Демак, ижтимоий тармоқлардаги жиноятчиликка қарши самарали кураш — бу фақат жазо эмас, балки инсонни тузатиш, маънавий покланиш ва рақамли жамиятда адолатни қарор топтириш жараёнидир.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги ПФ-5948-сонли “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. – Расмий веб-сайт:
2. иматов Ш.Н. ва бошқалар. Ёшлар ва хотин-қизлар жиноятчилигининг олдини олишда норматив-ҳуқуқий асослар ва ижтимоий профилактика механизмлари. // Образование, наука и инновационные идеи в мире, 2025. – Т.79. – №2. – С.143–157.
3. Шестаков Д.А. Криминология: преступность как свойство общества. Краткий курс. – СПб., 2001.
4. Шаргородский М.Д. Наказание, его цели и эффективность. – Л., 1973. – С.12–13.
5. Мальцев Г.В. Месть и возмездие в древнем праве. – М.: Норма, 2012. – 420 б.
6. Тард Г.Д. Преступник и преступление. Сравнительная преступность. Преступность толпы / Сост. и предисл. В.С. Овчинского. – М., 2004. – 7 б.
7. Сорокин П.А. Преступление и кара. Подвиг и награда. – СПб., 1914. – 85 б.
8. Макаревич. Указ. соч. – С.80, 89.
9. Иммануил Кант. Критика чистого разума. – Электрон манба: <https://levelvan.ru/pcontent/kant-6/chistyi-razum>
10. Федоренко Н.Т. Кавабата Ясунари. – М.: Советский писатель, 198 б.
11. Manouvrier L. Les aptitudes et les actes // Bulletin de la Société d’anthropologie de Paris,

1890; Elle nouvelle, Oct. 1893.

12. O'zbekiston kiberxavfsizlik bo'yicha xalqaro hamkorlikni kuchaytirmoqda// Gazeta.uz,
2025 йил 9 октябрь. – URL

